



Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения  
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 18.01.2022 г. № 210079

между Кийи Чирчик Электр тармоклари и Куйи-Чирчик Ветотдел на общую сумму 540000,00

Глава  
Казначейский лицевой счёт

250

100022860272337042133250001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4221000			
Январь	180 000,00			180 000,00
Февраль	180 000,00			180 000,00
Март	180 000,00			180 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>540 000,00</b>			<b>540 000,00</b>

Всего 540000,00 сум

Пятьсот сорок тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_ % \*\*\* от общей суммы договора  
подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20 \_\_\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца.  
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

*Э.С.з.*

Элтаев Шермат Маматович  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Абдураимова М. Р.  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

*Э.С.з.*  
(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЙМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

**ШАРТНОМАСИ**

2022 йил “18” 5

№ 910029 сон

Куий-Чирчиқ ТЭТК  
Т(Ш)ЭТК номи

**“TOSHKENT NETK” AJ**

Куий-Чирчиқ туман (шаҳар) электр

таъминоти корхонаси (кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади)  
№ \_\_\_\_\_ сонли **Боши ишончнома** асосида фаолият юритувчи раҳбари

Э.Ж.Мухаммедов

(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

бир тарафдан ва

Худоев Гуллоҳ Зебекеевич бўйича

(истеъмолчининг номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Худоев асосида  
фаолият юритувчи раҳбари Ходоев Гуллоҳ Зебекеевич иккинчи  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.Ш.)  
томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва “Истеъмолчи” истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ**

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 1200 кВт/с реактив \_\_\_\_\_ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 540.00 сўмни, тариф бўйича 450 ташкил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобатга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

**III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камидаги 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучидаги қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов қунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва “Таъминотчи корхона” томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. “Истеъмолчи”га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камидаги 5 кун олдин билдириги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

3.7. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичida тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини тақдим этади.

“Истеъмолчи” турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактурапардан фойдаланишини таомиллаштириш чорадобирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага З-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб

равиша жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади. (*6-,7-илюваларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради*).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидағи электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равиша жами электр энергетика тизимининг электр тармоқларидағи технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибида амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида “Таъминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметларига мувофик, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг холати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. *Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.*

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган

маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб оидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун “Истеъмолчи”га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи”ни қўйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа холатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёритгичларни, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қўйидаги ҳоларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлар тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона туар жоида, бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

“Истеъмолчи”нинг электр қурилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, тегишли миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансадбор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

##### **4.2. “Истеъмолчи” қуйидагиларга мажбур:**

худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш; «Ўзэнергоинспекциясининг» ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда худудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини хисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун 100 % олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда “Таъминотчи корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”нинг талабига кўра қуидагиларни хисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиши - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўtkазиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқарishнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” қуидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармоғидан узиб кўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурати бўлганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан энергия етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

4.4. “Таъминотчи корхона” қуидагиларга мажбур:

“Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларини режали туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

“Истеъмолчи”ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда “Истеъмолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктиримай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

“Истеъмолчи”да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, “Таъминотчи корхона” бунинг

натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиш ва харакатларига боғлиқ бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиг бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмагандан, улар қонунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равища, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

## VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажralmas қисми хисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равища юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равища амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.